



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети


1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
2. Фуркат Бозоров БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
3. Муслима Базарова ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
4. Бахтиёр Болтабаев XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
5. Гулчеҳра Султанова СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
6. Холмамат Раупов МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
7. Саламат Сулайманов XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
8. Ислом Қаршиев XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
9. Манзура Хасанова ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
10. Бахромжон Хайназаров ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
11. Нодира Раджабова “МАВРИГИ”ЛАР БУҲОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
12. Юлдуз Холхужаева САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Ислом Эгамкулович Қаршиев,
 Жиззах давлат педагогика университети
 ўқитувчиси
 E-mail: Islomqarshiev0505@gmail.com

**XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА
 ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ
 (СЎФИ ОЛЛОЁР, ХУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА)**

For citation: Islam E. Karshiev, THE HUMANISTIC ESSENCE OF MYSTICAL-MYSTICAL IDEAS IN THE WORKS OF CENTRAL ASIAN THINKERS OF THE XVII-XVIII CENTURIES (BASED ON THE WORKS OF SUFI OLOYOR, HUVAIDO). Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.46-52

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482937>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XVII-XVIII асрларда Марказий Осиёда яшаб сермахсул ижод қилган мутафаккирлар Сўфи Оллоёр ва Хожамназар Хувайдо асарларида илгари сурилган тасаввуфий-ирфоний дунёқараш негизидаги ғоялар, уларнинг бугунги давр ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни ва гуманистик моҳияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: “Сабот ул-ожизин”, “Роҳати дил”, “Иброҳим Адҳам”, пайғамбар, тасаввуф, тариқат, дин, дунёқараш, фазилат, жамият, яхшилик, адолат, комиллик, инсонпарварлик, имон, итоат, бағрикенглик ҳадис, шоир, ғазал, ишқ, маърифат, тавба, таълим, тарбия, ахлоқ.

Ислам Эгамкулович Қаршиев,
 преподаватель,

Джизакский государственный педагогический университет

**ГУМАНИСТИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ МИСТИКО-МИСТИЧЕСКИХ
 ПРЕДСТАВЛЕНИЙ В ТВОРЧЕСТВЕ СРЕДНЕАЗИАТСКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ XVII-
 XVIII ВВ. (ПО ПРОИЗВЕДЕНИЯМ СУФИЯ ОЛОЙОРА, ХУВАЙДО)**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются идеи, основанные на мистико-мистическом мировоззрении, выдвинутые в трудах мыслителей суфиев Оллояра и Ходжамназара Хувайдо, живших в Средней Азии в XVII-XVIII вв., и их место в общественной и духовной жизни современности. и их гуманистическая сущность.

Ключевые слова: «Сабот уль-Оджизин», «Роҳати дил», «Ибрагим Адҳам», пророк, мистика, секта, религия, мировоззрение, добродетель, общество, добро, справедливость,

совершенство, человечность, вера, послушание, терпимость, хадис, поэт, газель, любовь, просвещение, покаяние, образование, воспитание, нравственность.

Islam E. Karshiev,
Teacher of Jizzakh State Pedagogical University

THE HUMANISTIC ESSENCE OF MYSTICAL-MYSTICAL IDEAS IN THE WORKS OF CENTRAL ASIAN THINKERS OF THE XVII-XVIII CENTURIES (BASED ON THE WORKS OF SUFI OLOYOR, HUVAIDO)

ABSTRACT

In this article, the ideas based on the mystical and mystical worldview put forward in the works of thinkers Sufi Olloyor and Khojamnazar Huvaido, who lived in Central Asia in the 17th-18th centuries, and their place in the social and spiritual life of today, and their humanistic essence, are researched.

Index Terms: "Sabot ul-Ojizin", "Rohati dil", "Ibrahim Adham", prophet, mysticism, sect, religion, worldview, virtue, society, goodness, justice, perfection, humanity, faith, obedience, tolerance hadith, poet, ghazal, love, enlightenment, repentance, education, upbringing, morality.

1. Долзарблиги:

Мутафаккир шоирлар ижодида илгари сурилган гуманистик ғояларни, Қуръон ва ҳадислардаги ахлоқий фикрларни халқ оммаси, баркамол авлод онгига сингдириш ўз моҳияти билан муҳим аҳамият касб этади. Бу борада яратилган Марғиноний, Мотрудий, Имом Бухорий, Термизийлар қаторида Сўфи Оллоёр, Хувайдо асарлари улкан маънавий мерос ҳисобланади. Бугунги кунда улардаги ахлоқий, умуминсоний ва гуманистик фикрлар аҳамиятининг тобора ортиб бораётгани эса мавзу ўрганилишининг долзарб эканлигидан далолатдир.

2.Методлар:

Ушбу мақола тарихийлик, илмийлик ва ҳудудий ёндошувлар сингари тарихий методлар асосида ёритилган бўлиб, унда XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида тасаввуфий-ирфоний ғояларнинг гуманистик моҳияти (Сўфи Оллоёр, Хувайдо асарлари асосида) илмий ёритилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўтган асрнинг 60-йилларигача маънавий-ахлоқий меросга синфийлик нуқтаи назаридан ёндашув ҳукмронлик қилди. Фақат Н.С.Хрушчев давлат тепасига келгандан сўнг ахлоқий мероснинг умуминсоний ва гуманистик моҳияти ҳақида фикр юритила бошланди. Бу ҳол у ёки бу даражада КПСС дастурида ўз ифодасини топди. Иккинчи томондан, улар қоғозда қолиб кетди ва ҳаётда, амалиётда қўлланилмади.

Мустақиллик даврида маънавий-ахлоқий меросни ўрганишга эътибор кучайди. Энг аввало, Қуръон ва ҳадислардаги ахлоқий фикрларни холисона ўрганиш ва уларни кенг халқ оммаси, биринчи ўринда ёшлар онгига сингдириш борасида катта ишлар қилинмоқда, мутафаккирларнинг асарлари чоп этилиб, улардаги ахлоқий, умуминсоний ва гуманистик фикрлар тадқиқ қилинмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида тасаввуф таълимотидаги ахлоқий фикрларни ўрганишга қизиқиш ортди.

Шу ўринда Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ојизин” маданий меросимизда муҳим ўрин тутган диний-ахлоқий ва дидактик асар. У узоқ йиллар XX аср бошларигача Ўрта Осиё мактаб, мадрасаларида дарслик сифатида қўлланиб келинган, чунки ундаги гуманистик ғоялар фалсафийлиги билан диққатга молик эди. Жумладан, асарда ислом динининг асосий қоидалари, энг юксак инсоний фазилатлар, тасаввуф илми борасида муҳофасага киришилүви ҳақида ахборот берилади. Асарда фикр-ғояларни умумлаштириб, бирлаштириб турувчи режа бор. У комил инсон масаласи. Ундаги барча ҳикоятлар, мавъизалар, фикрлар камолотнинг моҳияти, шартлари, белгиларини

ёритишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бу асарни маънавиятимиз негизида жуда чанқок ахлоқий қобуснома, ахлоқий қомус деб баҳолашимиз мумкин[1:94].

Хусусан, Сўфи Оллоёрнинг ривоятларида зикр қилинишича, Сулаймон алайҳиссаломга шунчалар катта катта қушлар хизматларида бўлса ҳам у киши кичик жуссали сассиқпопушак қушни ўзларига элчиликка олган. Ривоят қилинишича, бу қуш сўфий эди, бошқа қушлар элчиликка мени танлайди деб ўзларига бино қўйганида худхуд камтарлик қилиб ўзини бу лавозимга лойиқ кўрмаган экан ва бошқа қушлардан тубдан фарқ қилиб ниҳоятда адолатлик билан ҳаракат қилар экан, шу сабабдан Аллоҳ шу қушни шохга элчилик қилиш шарафини берган экан, демак хулоса, шохга, Аллоҳга яқин бўлиш гавда кўринишига боғлиқ эмас, тўғри ҳаракат ва камтарликдадир. Яна бир ўринда мутафаккир:

Мадад қилса Худойи олам арой

Ҳабиб этса ишорат айрилур ой.

Яъни, агар Аллоҳ бир инсонни севиб дўст тутса, агар у дўсти ойга ишора қилса ой иккига бўлинади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ойна иккига бўлиб бер, у ой тўлган кунда, агар пайғамбарлигинг рост бўлса деб мўъжиза сўрашганда, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бармоқ ишоралари билан ой иккига бўлиниб, яна аввалги ҳолига келишини кўрсатган эканлар[6:20-21].

Сўфи Оллоёр мавъизасидаги яна бир ўринга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Маълумки, қайси жамиятда бўлмасин, кишининг насл-насабли эканлигига катта эътибор берилган. Нега деганда, насаби муайян салмоққа эга бўлган кишиларнинг жамият ва давлат манфаати йўлида яхши ишларни амалга ошириб келганлиги тарих сабоқларида неча бор тасдиқланган. Бироқ, насл-насаби эътиборга олиниб, бирор муҳим иш ёки мансаб топширилган шахснинг ўзида ҳам у ёки бу юмушни кўнгилдагидек адо этиши, лавозимининг уддасидан чиқа олиши учун Аллоҳ иноят қилган қобилият, билим, ирода, бошқаларга нисбатан ҳар жиҳатдан устуворлик ва ҳоказо хислатлар ҳам бўлиши тақозо этилади.

Қуръони карим ва ҳадиси муборакка таянган мутафаккир шоир Сўфи Оллоёр мазкур масалани “Сабот ул-ожизин”да ўта зукколик билан ечиб ва бадий тасвир этиб бера олган. Унингча, бошқаларга нисбатан иззат-ҳурматга эришган киши, биринчи навбатда, кибру ҳаводан узоқ туриши керак:

Такаббур қилмагил, эй бомаоний,

Фалони ўғлидурман деб фалоний[2:48-49].

Оллоёр жамиятдаги кишиларнинг ўзаро муносабатлари, бу муносабатларнинг натижасини яхши англайди. Шу сабабли яхши хислатларни киши яхши кишилардан ўзлаштиради, деган хулосага келади на ўзининг форсий тилдаги лирик асарларидан одамларни доимо яхши кишиларга яқин бўлишга чақиради:

Харгиз, Оллоҳёр, дур аз суҳбати некон мабоиш,

Баҳр гар дар чаишаи бисёр худро жаъм кунад.

Мазмуни: Эй, Оллоёр яхшиларнинг суҳбатидан ҳаргиз узоқлашма, ахир денгиз ҳам сувини қанчадан-қанча булоқлардан тўплайди. Яъни, яхши кишиларнинг турли фазилатларини ўзлаштириб, киши буюкликка эришади-денгизга айланади. Шоир бу ўринда яхшиларни булоқларга, уларнинг эзгу хислатларини ўзлаштирган кишини денгизга ўхшатади. Унинг тарбияда, камолотга эришишда ўртак олиш фалсафаси равшан кўринади[5:14].

Сўфи Оллоёрнинг гуманистик қарашларига кўра, ҳимматли бўлиш, таъмадин узоқ туриш инсоннинг бош фазилатларидан биридир. Инсон учун энг тотли ва пок ҳаёт, қўл меҳнати билан кун кечириш, ўз пешона терининг хузурини кўришдир. Шоир бундай буюк инсоний кадрятни таъсирчан, мисраларда баён қилади:

Агар боши билан чоҳ қазса банда,

Кўзини ёшича сув топса анда.

Оллоёр фикрича, шахс ҳеч қачон ўзини жамиятдан юқори тутмаслиги керак. Акс холда у тўпдан **айрилган** қушдай, албатта фалокатга учрайди?

*Жамоатдин ўзунгни қилма мумтоз,
Чопар кўп тундин айрилгон қуша боз.*

Оллоёр инсоннинг камолотга эришувида илмнинг қадрини жуда яхши англайди ва инсон диний ва дунёвий илмларни яхши ўзлаштириши лозим деб ҳисоблайди. У етук инсоннинг ахлоқ-одоби ва гуманизми сахийлик, очик чехралик, ширин сўзли бўлишга эътибор беради ва «Сабот ул-ожизин»да бунга махсус қисм ажратади:

*Галага бўри чопса, эй фалони,
Қаю айрилса, аввал тишлар они.*

Сўфи Оллоёр мўътадил инсоннинг ахлоқ-одоби хусусида фикр юритар экан, мумтоз адабий-ахлоқий ақидаларга таянган ҳолда, ҳамма халқлар, ҳамма даврлар учун ҳам муҳим ҳисобланувчи ўғитларни битиб қолдиришга муяссар бўлади. У мўътадил инсон бўлиш учун диний ва дунёвий илмларни яхши ўзлаштириш лозим деб ҳисоблайди. Ўзини муршид ҳисоблаб, олимларнинг билимидан фойдаланган шахсларни жоҳил деб айтади[3:34].

XVIII асрда яшаб ижод қилган Хожамназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо асарлари тасаввуфий йўналишдаги ижод намуналаридир.

Ҳувайдо Ўшда таваллуд топган. Фарғонанинг Чимён қишлоғида ўсган, умрининг охиригача шу ерда яшаб ижод қилган.

Ҳувайдо Бобораҳим Машрабнинг фалсафий қарашлари ва назмий услубини ўзига сингдирган. Ўзбек шеърятини гўзал ғазаллари ва маснавийлари билан бойитган. Унинг асарлари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам кенг шуҳрат қозонган.

Ҳувайдо девони 300 дан ортиқ ғазал, бир неча рубоий, мухаммас, мусаддас ва мусамманлардан иборат. Буларда шоир дунёвий ва илоҳий муҳаббатни юқори пардаларда куйлайди, халқнинг ноодил замондан норозилиги ва шикоятларини, дарди дилини ифодалайди.

Ҳувайдо ғазаллари унинг салафи Шоҳ Машраб шеърлари сингари содда, равон тилда, дилбар ва жўшқин. Шоирнинг қатор шеърлари, чунончи, “Арзимни айтдим боди сабоға, Еткурса ҳолим ул дилрабоға”, “Раҳм айласангчи девоналарга, Ишқингда бўлган афсоналарга”, “Туну кун айлабон гуноҳ, қилмаган ҳеч савоб ўзум, Парвариш айлабон баъзан, қилғучи хўрду хоб ўзум” матлаъли ғазаллари Машрабга эргашиш, давомчилик самараларидир.

Ҳувайдо шеърлари ўзбек мумтоз адабиёти, бой маданияти ва тарихини ўрганишда ғоят муҳим манба бўлиш билан бирга, яна муҳими, ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир[7:2].

*Ломаконнинг шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёу авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ.*

Бобораҳим Машрабнинг ушбу байтлари мазмунини тушуниб етмоқ учун Ломаконнинг шаҳрида ишқ қачон ошиқни ўзига шайдо қилди? Пайғамбарлар ва валийларни ишқ ҳувайдо қилган бўлса-ошкор этган бўлса бунинг нима қизиқ томони бўлиши мумкин, деб бир зум ўйлаб кўрганмисиз?

Ломакон, яъни маконсизлик шаҳри қаерда?

Авалло ишқ қандай маънога эга ва нимага ишқ ёки ошиқлик?

Шубҳасиз, бу ўринда Аллоҳга бўлган севги назарда тутилмоқда.

Ҳаёт ибтидоси ҳақидаги тасаввуфий ривоятларга ҳаёлан мурожаат этсак, эҳтимол улуғ шоир байтларидаги маъно келинчаги жилва қилиб қолса ажаб эмас!

Ҳувайдо бўлиш ломакондан вужуд оламига келишни ифодалайди. Туғилиш йўқдан бино бўлиш эмас, балки бақо оламидан фано оламига келишдир. Бақо оламидан яна бақо оламига ўтиш учун дунёга келиш, яшаш, амал дафтарига соҳиб бўлиш даркор. Ҳазиний айтганидек:

*Работи кўҳнага келган ҳама мусофирмиз,
Йўловчимиз-кетамиз, жаҳон-чорроҳ гузари.*

Шоҳ Машрабнинг “Ўртар” радифли ғазалини яхши биламиз, хушхон ҳофизлар

ижросида кўп бор тинглаганмиз. Ғазалда муҳаббат дардининг буюклиги ва мислсиз куввати баркамол акс этган. Унда ишқ ва эътиқод алангаси барқ уриб туради:

Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,

Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Ишқ дарди қудрати ва таъсир доирасини байтдан байтга тобора авжлантириб боради шоир. Ошиқ оҳининг оташи замин у осмонни куйдиришга қодир. Ҳатто у “маҳшарда оҳ урса”, биҳишти жовидонни (жаннатни) ўртаб юбориш қудратига эга.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға солма,

Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Ушбу ғазалда ишқий балоғат унинг юксак чўққисигача кўтарилган.

Ҳувайдо “куяр” радифли ғазалини Машрабнинг юқоридаги асари таъсирида юзага келтирган:

Хур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,

Хаста Ҳувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг куяр.

Ҳувайдонинг бу ғазалида машрабона рух, ғоя, услуб яққол акс этиб турибди.

Шоир юрагининг мавжлари, тўлқинлари устоз эришган рутбаларгача кўтарилган. Ҳувайдо меросида дунёни машрабона фалсафий-бадий идрок этиш намунаси бўлган орифона ғазаллар, фалсафий-дидактик, гуманистик шеърлар талайгина.

Шоир Ҳувайдо ҳам Машраб сингари, “кавкаби бахтини зим-зиё қилган фалак” дастидан дод дейди, давр, муҳитдаги адолатсизликдан, шафқатсизликдан фарёд чекади:

Кимга бориб айтайин, золим фалакдин додни,

Уқмагай аҳли замона нолау фарёдни.

Ҳувайдо айлади золим фалакнинг зулмидан минг дод,

Манга қолганда ул золими чархи каж равон келди.

Шоирнинг фалакдан доди унинг замона бедодликларига қарши қалб исёни эди. Бу фарёд ва исёнлар халқ дарди, ноласи ва туғёнкорлигининг акс садосидир[9].

Дунёқараши, тафаккур тарзи, бадий услуби жиҳатларидан Хожамназар Ҳувайдо Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби йирик адабий сиймоларга яқин туради. Уларни Исломнинг умуминсоний ғояларини куйлашдаги ҳамоханглик ҳамда тасаввуф маслагига эътиқод яқинлаштирган. Илоҳий ишқнинг бу уч оташин ошиғи Аллоҳга муҳаббат боғлаш борасида бирлашадилар. Яссавий ҳикматларида «Дунё учун ғам ема, Ҳақдан ўзгани дема» тарзида нидо чекса, Машраб «Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо», дея бонг уради. Ҳувайдо эса, уларга куйидагича яқдиллик изҳор этади:

Дунёда хою ҳавас қилмоқ абас,

Бир Худодин ўзгани суймоқ абас.

Аллоҳнигина суйиш, Аллоҳдан ўзгага меҳр қўймаслик, тасаввуф таълимотига кўра, комил мўминликнинг гаровларидандир. Сўфийлар баъзиларнинг Аллоҳга имон ва итоат билан бирга дунё неъматларига, орзу-ҳавасларига, мансаб-мартабасига, шон шуҳратига ҳам меҳр боғлашини қабул қилишолмайди. Уларнинг назарида, бундайлар дунё ютуқларига эришган сари ҳой-ҳаваслари ҳам кучайиб кетади, дунё ғамини деб Аллоҳ ғамини унутишади, дунёга муҳаббатлари рағбатланиб, Аллоҳга муҳаббатлари сусаяди. Хуллас, бора-бора дунёнинг нақд манфаатларига фидо бўлиб, Худога бахшидалиқни насиёга қолдиришади. Ва охир-оқибатда нопок, тамаъгир, риёкор кимсага айланиб бораётганларини сезмай ҳам қолишади.

Яссавий, Машраб, Ҳувайдолар дунёқарашига кўра, бундай кимсаларнинг имонида манфаатпарастлик, тама бордек. Гўё улар жаннатга тамагирлик, жаннатий ҳузур-ҳаловат манфаати билангина Тангрига ибодат қиладилар. Холбуки, Ҳувайдо маслагига сўфийларни на жаннат ва ундаги хуру, ҳузур-ҳаловатлар, на ҳавзи кавсар, на бошқа манфаатлар қизиқтирган. Улар фақат ва фақат Аллоқ муҳаббати, висоли орзуи билан яшаганлар:

Хур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,

Хаста Ҳувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг куяр[4:178-179].

Риёсиз ҳам тамаъсиз тақвога интилиш, Аллоҳ муҳаббатини дилга нақшлаб, сидкидилдан ибодат қилиш Ҳувайдо дунёқарашининг асосий мезонларидан эди. Маълумки, риёкор ва тамагир тақводорларни Алишер Навоий риё денгизида тама кемасига тушиб олиб сузаётган шайх тимсоли воситасида танқид қилган эди. Бобораҳим Машраб эса, сохта тақводор сувратини бундай чизади:

Намозу тақвосин зоҳид қилур олам аро машхур,
Ўгуруб субҳасин тинмай, иши доим риё эрмиш[4:178-179].

Ҳувайдо тасаввуфнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик, жўмардлик ғояларини тарғиб этишда сўз санъатининг анъанавий мажоз, рамз ва бошқа бадий восита ҳамда имкониятларидан, гуманистик ғояларидан моҳирона фойдаланди. Шогирди Носеҳ Чимёний таъкидлаганидек, шеърят Ҳувайдо учун асосий мақсад эмас, балки тасаввуфий ғояларни ёйиш, инсон қалбинн маърифат зиёси билан чароғон этиш, одамларни ғафлат уйқусидан уйғотиш, «оқилларга ишора, ғофилларга танбих» воситаси эди.

Ҳувайдонинг девонига киритилган турли шаклдаги шеърлари асосан жамиятнинг ўқимишли, маърифатли қатлами учун, «Роҳати дил» достони ва «Иброҳим Адҳам» қиссаси эса илмдан йироқ оддий авом учун мўлжалланган эди.

Шоир «Роҳати дил» достонининг «Сабаби назми китоб» бобида тожик тилига беҳунарроқ бўлган Чимён аҳли учун насрий ҳикоя ва ривоятларни туркий тилда баён қилиш, замондошларини ислом маърифатидан баҳраманд этишни, ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни мақсад қилиб қўйганини айтади:

Кўнгилни шаҳри сори азм қилдим,
Китобим наср эрди, назм қилдим[8:7-8].

4.Хулосалар:

Мутафаккир шоирлар ижодида гуманистик ғояларнинг илгари сурилиши мавзусида хулоса қилинганда, Қуръон ва ҳадислардаги ахлоқий фикрларни халқ оммаси, баркамол авлод онгига сингдириш борасида улкан мерос яратилган. Бугунги кунда Марғиноний, Мотрудий, Имом Бухорий, Термизийлар қаторида Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо асарларидаги ахлоқий, умуминсоний ва гуманистик фикрлар аҳамияти ортиб бормоқда. Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ојизин” асари маданий меросимизда муҳим ўрин тутган диний-ахлоқий ва дидактик асар. Унинг асарлари мактаб, мадрасаларда, дарслик сифатида қўлланиб келинган. Ундаги фикрлар гуманистик ғоялар фалсафийлиги билан диққатга молик асардир. Ҳувайдо тасаввуфнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик, жўмардлик ғояларини тарғиб этишда мажоз, рамз, бадий воситанинг имкониятларидан моҳирона фойдаланди. Ҳувайдо гуманизми-тасаввуфий ғояларни ёйиш, инсон қалбини маърифат билан чароғон этиш, одамларни ғафлат уйқусидан уйғотиш, “оқилларга ишора, ғофилларга танбех” воситаси эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Иқболой Адизова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. –Т.: Фан, 2006. (Iqboloy Adizova. History of Uzbek classical literature. - T.: Science, 2006.)
2. Иноятулла Сувонкулов. Сўфи Аллоҳёр. –Т.: Фан. 1995. (Inoyatulla Suvankulov. Sufi Allahyar. – T.: Science, 1995.)
3. Иноятулла Сувонкулов. Сўфи Оллоҳёр. –Самарқанд, 2000 (Inoyatulla Suvankulov. Sufi Allahyor. – Samarkand, 2000.)
4. Нусратулло Атаулло ўғли Жўмахўжа. Ҳувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин // Шарқ юлдузи, 1998, №4. (Jokhahoja son of Nusratullah Ataullah. Philosophical-artistic interpretation of Huvaido's mystical poems // Eastern Star, 1998, №4.)
5. Сўфи Оллоёр. Кўзунг ибрат била оч. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Иноятулла Сувонкулов. –Самарқанд, 2002. (Sufi Olloyor. Keep your eyes open. Preparator and author of the foreword: Inoyatulla Suvankulov. – Samarkand, 2002.)
6. Сўфи Оллоёр. Саботул-ојизин “Ҳадиятул орифийн”. Нашрга тайёрловчи ва маслаҳатчи Абдумалик Абдурашидов. –Ўш, 1998. (Sufi Olloyor. Sabotul-Ojizin "Khadiyatul Orifiyn".

- Abdumalik Abdurashidov, editor and consultant. – Osh: 1998.)
7. Хожамназар Хувайдо. Девон. –Т.: Янги аср авлоди, 2017. (Khojamnazar Huvaido. Devon. – Т.: New age generation, 2017.)
 8. Хувайдо. Роҳати дил Иброҳим Адҳам. –Т.: Наврӯз, 2011 (. Huvaido. Rest in peace Ibrahim Adham. – Т.: Navroz, 2011.).
 9. Алихон Халилбеков. Адабий мактаб яратган устоз / Наманган ҳақиқати, 2009, 23 май.(Alikhan Khalilbekov. The teacher who created the literary school / The truth of Namangan, 2009, May 23)

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000